



“Худ” сураси сочимни оқартирди

Қодиров Абдулазиз

Тошкент ислом институти

“Таҳфизул Қуръон” кафедраси

Э-маил: godirovabdulaziz6@mail.com

Аннотатсия: Мазкур мақолада Сарвари олам Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сочларини оқаришига сабаб бўлган “Худ” сураси ва бу сурадаги қайси жиҳат сочларини оқартиргани ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Калит сўзлар: Пайғамбар, Худ, Мурсалат, Воқеа, Файзул қодир, Имом Қуртубий, тафсир.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Худ сурасини ўзларининг муборак сочларини оқартирган суралар қаторига қўшганлар.

Ҳофиз Абу Яъло Икрима (розияллоҳу анҳу)дан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалладан: «Сочингизни нима оқартирди?» деб сўраганларида у зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам):

«Сочимни Худ, Воқеа, Амма ятасаъалун ва Изаш-шамсу куввирот суралари оқартирди», деган эканлар¹». Имом Термизий ривояти.

Тобаронийдан қилинган ривоятта: “Сочимни худ ва унинг шериклари оқартирди” деганлар².

¹ Абу Исо Муҳаммад Термизий. Сунани Термизий. –Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2015. – Б. 160.

² Имом Табароний. Мўжамул кабир. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2008. – Ж. 4. – Б. 156.



Бунга сабаб “Худ” ва ушбу сураларда келган қиёмат куни ҳаикдаги хабарлар, у куннинг кўрқинчликлари ва қўшимчасига росулларини ёлғончига чиқарган умматларга ёғилиб келган азобларни ифодаловчи оятлардир.

Мановий (роҳимаҳуллоҳ) “Файзул қодир” китобида ушбу оятни тафсирида сочларини оқаришини сабаби деб шундай деганлар:

Қиёматтаги кўрқинчликлар ва қийинчилилар, набийларнинг ҳолатлари ва улар билан рўй берган ҳодисалар зикр қилинганлиги сабаб шундай бўлган³.

Бунга Абу Абдуллоҳ жуда ҳам гўзал тушунтириш берадилар:

Маъноси: Қўрқув сочни оқаришини келтириб чиқаради. Сабаби қўрқув нафсни даҳшатга қолдиради, шу сабабдан тананинг намлиги кетиб, қуриб қолади. Ҳар бир толанинг остида бир манба бўлиб, тер ана шу жойдан чиқади. Модомики қўрқув тананинг намлиги қурутиб қўяр экан, ана ўша манбалар ҳам қуриydi, натижада соч ҳам қуриб оқариб кетади. Бу гўё суғорилган ям-яшил экинга ўхшайди. Агар уни суғормай қўйилса қуриб, оқариб қолади. Зеро қари кишининг ҳам сочи танаси қуриб, ундаги ҳўллик кетиб қолгани учун оқаради. Нафс Аллоҳ таолонинг вайдларидан ва у зот томонидан келадиган кўрқинчлардан даҳшатга тушади ва сўлиб қолади. Тананинг сувини ана шу вайдлар ва кўрқинчлар кетгазади ва шу сабабдан соч оқаради.

Худ сурасида еса Аллоҳ таоло умматларни ва уларга Аллоҳнинг азобини тез келганини зикр қилди. Иймон соҳиблари бу оятни ўқиганда қалбларида у зотнинг мулкини, салтанатини ва душманларига бўлган қувватини ҳис қилишади. Агар мана шу кўрқувдан вафот етсалар, ҳақиқий муносиб ҳолатга вафот этишган бўларди. Лекин исми олий бўлган зот Аллоҳ таоло бундай ҳолатларда уларга лутф қилади, тоинки улар Аллоҳнинг каломини ўқий олишсин⁴.

Бир ривоятта Набий алайҳиссаломни сочларини оқаришига сабаб бўлган оят бу 112-оятидир дейилган. У оят:

³ Абдулрроуф Мановий. Файзул қодир. – байрут: Дор ал-маърифат, 2012. – Ж. 5. – Б. 253.

⁴ Имом Қуртубий. Ал-Жомеъ лиаҳкамил Қуръан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2006. – Ж. 4. – Б. 227.



فَاسْتَقِمَّ كَمَا أُمِرْتَ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغَوْا إِنَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

Бас, (эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилгани янглиғ тўғри йўлда бўлингиз! Туғёнга тушмангиз! Албатта, У зот қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир⁵.

Яъни, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва мўминлар тўғри йўлда-Аллоҳнинг динида собит турмоқликлари, бардавом бўлмоқлари лозим. Улар ҳаддан ошиб, туғёнга кетиши мумкин эмас. Агар мустақийм турмасангиз ва туғёнга кетсангиз, ўзингизга қийин бўлади⁶.

Бу оайтни тафсир қилаётганда Имом Қуртубий қуйидаги ривоятни келтириб ўтганлар: Ибн Аббос розияллоҳу анху айтадилар: Росулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га ушбу оятганда қаттиқроқ ва қийинроқ оят нозил бўлмади⁷.

Абу Абдурроҳман Суламийдан ривоят қилинади, айтадилар: Мен Абу Алий Сиррийнинг шундай деётганларини ешиттим: Тушда Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни кўрдим ва: Ей Аллоҳнинг росули, сиздан “Сочимни худ оқартирди” деганингиз ривоят қилиняпти, дедим. Тўғри, деб жавоб бердилар. Шунда мен: ундаги нима нарса сочингизни оқартирди? Анбиёларнинг қиссаси-ю, умматларнинг ҳалокатга учраганими? деб сўрадим. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам): Йўқ, балки Аллоҳ таолонинг “**Буюрилганингдек тўғри йўлда бўл**” деган буйруғи, дедилар⁸.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. – Тошкент: Ҳилол Нашр нашриёти, 2007. – Ж. 3. – Б. 99.

⁵ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 234.

⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. – Тошкент: Ҳилол Нашр нашриёти, 2007. – Ж. 3. – Б. 99.

⁷ Имом Қуртубий. Ал-Жомеъ лиаҳкамил Қуръан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2006. – Ж. 4. – Б. 227.

⁸ Имом Қуртубий. Ал-Жомеъ лиаҳкамил Қуръан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2006. – Ж. 4. – Б. 227.



2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2004. – Б. 234.
3. Имом Қуртубий. Ал-Жомеъ лиаҳкамил Қуръан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2006. – Ж. 4. – Б. 227.
4. Абдурроуф Мановий. Файзул қодир. – байрут: Дор ал-маърифа, 2012. – Ж. 5. – Б. 253.
5. Имом Табароний. Мўжамул кабир. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2008. – Ж. 4. – Б. 156.
6. Абу Исо Муҳаммад Термизий. Сунани Термизий. –Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2015. – Б. 160.